# БЕШ ЙИЛЛИК ОДИМЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

| | | |
|---|---|---|
| Агросаноат комплекси | —2,5 | —1,7 |
| Қурилиш комплекси (Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлиги) | **6,3** | **3,4** |

Область шаҳарлари ва районлари **саноатининг 1988 йил биринчи кварталидаги иши тўғрисидаги маълумотлар қуйида келтирилмоқда (процент ҳисобида):**

| | Маҳсулот етказиб бериш шартнома мажбуриятларининг бажарилиши | Шартнома мажбуриятларини бажармаган корхоналар улуши | 1987 йилнинг I кварталига нисбатан ўсиш суръатлари: меҳнат унумдорлиги | 1987 йилнинг I кварталига нисбатан ўсиш суръатлари: маҳсулот ҳажми |
|---|---|---|---|---|
| Жами | 98,5 | 14 | 4,0 | 3,3 |
| Тошкент шаҳри | 98,3 | 13 | 6,2 | 5,6 |
| Тошкент области | 98,7 | 14 | 1,6 | 0,7 |
| **Шаҳарлар:** | | | | |
| Олмалиқ | 98,4 | 17 | 6,6 | 3,7 |
| Ангрен | 99,8 | 6 | 15,2 | 16,2 |
| Оҳангарон | 99,2 | 14 | 11,0 | 9,5 |
| Бекобод | 97,2 | 25 | —2,1 | —1,6 |
| Нариманов | 99,9 | 8 | 14,3 | 16,3 |
| Чирчиқ | 99,3 | 22 | 5,9 | 4,6 |
| Янгийўл | 97,3 | 25 | 6,2 | 8,0 |
| **Районлар:** | | | | |
| Оққўрғон | 91,9 | 67 | —33,1 | —27,3 |
| Оҳангарон | 100,0 | — | 12,0 | 7,0 |
| Бекобод | 100,0 | — | —8,0 | —18,6 |
| Бўстонлиқ | 100,0 | — | 31,0 | 30,2 |
| Бўка | 100,0 | — | —34,4 | —36,8 |
| Ғалаба | 99,2 | 8 | —8,0 | —15,7 |
| Калинин | 98,8 | 15 | —8,2 | —9,2 |
| Коммунистик | 100,0 | — | —7,3 | —10,9 |
| Оржоникидзе | 98,9 | 22 | —12,9 | —14,5 |
| Паркент | 100,0 | — | —0,8 | —0,8 |
| Пискент | 100,0 | — | —25,5 | —37,9 |
| Ўрта Чирчиқ | 99,4 | 14 | —12,1 | —12,8 |
| Тошкент | 99,8 | 40 | 22,4 | 23,7 |
| Чиноз | 100,0 | — | —13,7 | —15,3 |
| Янгийўл | 99,8 | 17 | —11,9 | —4,8 |

Халқ хўжалиги комплексларининг 1988 йил I кварталидаги иши қуйидагича бўлди:

Ёқилғи-энергетика тармоқларида кўмир қазиб чиқариш, электр энергияси ҳосил қилиш бўйича план топшириқлари бажарилди.

Металлургия комплекси корхоналари пўлат ва прокат ишлаб чиқариш бўйича белгиланган планларни бажармади, уларнинг ишлаб чиқариш ҳажмини ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан камайтириб юборди.

## МАШИНАСОЗЛИК КОМПЛЕКСИ

| | 1988 йил I кварталида амалда | Топшириқларнинг бажарилиш проценти | 1988 йил I кварталида 1987 йил I кварталига нисбатан процент ҳисобида |
|---|---|---|---|
| Куч трансформаторлари — миллион киловольт-ампер | 2,1 | 96 | 99,0 |
| Компрессорлар — минг дона | 2.6 | 85 | 98 |
| Химия асбоб-ускуналари ва уларга эҳтиёт қисмлар — миллион сўмлик | 10,1 | 101 | 111 |
| Енгил саноат учун технологик асбоб-ускуналар ва уларга эҳтиёт қисмлар — миллион сўмлик | 14,7 | 93 | 123 |
| Йигирув машиналари — дона | 409 | 100,0 | 125 |
| Тракторлар — минг дона | 5,8 | 103 | 87 |
| Трактор прицеплари — минг дона | 7,2 | 99,7 | 94 |
| Қишлоқ хўжалик машиналари — миллион сўмлик | 45,5 | 103 | 108 |
| Пахта териш машиналари — минг дона | 2,1 | 98 | 113 |
| Экскаваторлар — дона | 408 | 102 | 109 |

Машинасозлик комплексида давлат буюртмаси топшириқлари бажарилди ва қишлоқ хўжалик машиналари, приборлар ва автоматлаштириш воситаларининг айрим турларини, машиналар ва асбоб-ускуналарнинг айрим турларини ишлаб чиқаришда ўсишга эришилди.

Айни вақтда СССР Электротехника саноати министрлигининг Чирчиқ трансформатор заводи топшириқдагига нисбатан 332 та куч трансформаторни, СССР Химия машинасозлиги министрлиги 462 та компрессорни, СССР Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги министрлиги 23 та трактор прицепи. 52 та пахта териш машинасини кам берди.

## ХИМИЯ-ЎРМОН КОМПЛЕКСИ

| | 1988 йил I кварталида амалда | Топшириқларнинг бажарилиш проценти | 1988 йил I кварталида 1987 йил I кварталига нисбатан процент ҳисобида |
|---|---|---|---|
| Минерал ўғитлар (моддаларнинг тўйимлилиги 100 процентга айлантириб ҳисоблаганда) — минг тонна | 207 | 109 | 110 |
| Олтингугурт кислотаси — минг тонна | 372 | 100,3 | 113 |
| Сунъий смола ва пластмасса — минг тонна | 22,0 | 98 | 99,6 |
| Қоғоз — минг тонна | 6,4 | 100,3 | 100,1 |
| Картон — минг тонна | 1,9 | 102 | 155 |

Химия-ўрмон комплекси корхоналари сунъий аммиак, минерал ўғитлари, олтингугурт кислотаси, қоғоз, картон ишлаб чиқариш топшириқларини бажарди. Сунъий смола ва пластмасса ишлаб чиқариш бўйича топшириқларнинг бажарилиши таъминланмади.

## ҚУРИЛИШ КОМПЛЕКСИ САНОАТИ

| | 1988 йил I кварталида амалда | Топшириқларнинг бажарилиш проценти | 1988 йил I кварталида 1987 йил I кварталига нисбатан процент ҳисобида |
|---|---|---|---|
| Асбоцемент тахталари (шифер) — шартли миллион плита | 61 | 102 | 104 |
| Асбоцемент қувурлари ва муфталари — шартли минг километр | 0,6 | 100.8 | 102 |
| Дераза ойнаси — **минг квадрат метр** | **569** | **100,2** | **129** |

**Қурилиш комплексининг саноат корхоналари йиғма темир-бетон конструкциялари ва буюмлари, цемент, линолеум ишлаб чиқариш бўйича биринчи квартал топшириқларини бажарди.**

**Ноозиқ-овқат халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқариш қуйидагича бўлди:**

| | 1988 йил I кварталида амалда | Топшириқларнинг бажарилиш проценти | 1988 йил I кварталида 1987 йил I кварталига нисбатан процент ҳисобида |
|---|---|---|---|
| Трикотаж буюмлари — миллион дона | 7,1 | 99 | 98 |
| Пайпоқлар — миллион жуфт | 0,3 | 112 | 107 |
| Пойабзал — миллион жуфт | 3,8 | 103 | 103 |
| Чинни-фаянс идишлари — миллион сўмлик | 8,3 | 102 | 102 |
| Мебель — миллион сўмлик | 36,9 | 99 | 109 |
| Сирланган пўлат идишлари — миллион сўмлик | 8,1 | 73 | 77 |

Январь-мартда 840,3 миллион сўмлик халқ истеъмоли товарлари (алкоголли ичимликлардан ташқари) ишлаб чиқарилди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 53,4 миллион сўмлик кўпдир.

Айни вақтда Ангрен. Бекобод шаҳарлари ва Оққўрғон райони корхоналари халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш бўйича топшириқларнинг бажарилишида қолоқликка йўл қўйдилар. Ўтган даврда истеъмолчилар 0,5 миллион сўмлик мебель, 3,0 миллион сўмлик сирланган пўлат идишларини кам олдилар. Трикотаж буюмлари ишлаб чиқариш биринчи квартал топшириғи бажарилмади.

## АГРОСАНОАТ КОМПЛЕКСИ

Агросаноат комплекси асосий озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш биринчи квартал топшириқларини бажарди.

Озиқ-овқат маҳсулотининг асосий турларини ишлаб чиқариш қуйидагича бўлди:

| | 1988 йил I кварталида амалда | Топшириқларнинг бажарилиш проценти | 1988 йил I кварталида 1987 йил I кварталига нисбатан процент ҳисобида |
|---|---|---|---|
| Гўшт (давлат ресурслари хом ашёсидан) — минг тонна | 15,1 | 104 | 102 |
| Колбаса маҳсулотлари — минг тонна | 9,0 | 100 | 97 |
| Қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари (давлат ресурслари хом ашёсидан) — минг тонна | 51,7 | 107 | 102 |
| Маргарин маҳсулотлари — минг тонна | 8,7 | 101 | 101 |
| Ўсимлик ёғи — минг тонна | 15,2 | 102 | 100,5 |
| Макарон маҳсулотлари — минг тонна | 4,9 | 100 | 99,7 |
| Кондитер маҳсулотлари — минг тонна | 23,4 | 99.8 | 104 |
| Консервалар — шартли миллион банка | 43,4 | 115 | 114 |

Область колхозлари, совхозлари ва хўжаликлараро корхоналарида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан гўшт етиштириш 10,8 процент, сут етиштириш 2,1 процент, тухум етиштириш 13,6 процент кўпайди. Ҳар бир соғин сигирдан соғиб олинган ўртача сут миқдори 4,1 процент, ҳар бир товуқдан олинган тухум 10,4 процент кўпайди.

Барча категориядаги хўжаликларда чорвачилик маҳсулотларини харид қилиш қуйидагича бўлди:

| | Биринчи квартал: 1987 йил | Биринчи квартал: 1988 йил | 1988 йил I квартал планининг бажарилиш проценти | 1988 йилнинг I кварталида 1987 йилнинг I кварталига нисбатан процент ҳисобида |
|---|---|---|---|---|
| Чорва ва парранда (тирик вазнда) — минг тонна | 15,0 | 16.2 | 120,7 | 108,7 |
| Сут — минг тонна | 36,3 | 37,4 | 106,3 | 103,1 |
| Тухум — миллион дона | 100,6 | 121,2 | 119,3 | 120,5 |

Ғалаба ва Тошкент районлари хўжаликлари давлатга чорва ва парранда топшириш, Пискент ва Янгийўл районлар хўжаликлари сут топшириш, Бўка, Коммунистик ва Пискент районлари тухум топшириш биринчи квартал планини бажармади. Биринчи кварталда Бекобод. Бўстонлиқ, Ғалаба, Паркент ва Тошкент районлари хўжаликларида чорва, парранда ва тухум, Калинин, Пискент, Ўрта Чирчиқ ва Янгийўл районлари хўжаликларида сут, Оққўрғон, Оҳангарон, Коммунистик, Пискент, Чиноз ва Янгийўл районларида тухум харид қилиш ҳажмининг камайишига йўл қўйилди.

Колхозлар, совхозлар ва хўжаликлараро корхоналарда кўкламги экиш ишлари давом этмоқда. 25 апрелгача 234285 гектар майдонда баҳорги экинлар экилди. Бу планга нисбатан 91.1 процентни ташкил этади. Шу вақтга келиб дон ва дуккакли дон экинлари (маккажўхоридан ташқари) — 7724 гектарга, маккажўхори 25378 гектарга, чигит 139634 гектар ерга экилди.

1988 йилнинг 1 апрелигача тракторларнинг 91,7 проценти, сеялкаларнинг 99,6 проценти, трактор плугларининг 92,9 проценти, трактор прицепларининг 82,6 проценти соз ҳолда эди.

Бироқ, ҳамма жойда ҳам ремонт лозим суръатда бормаяпти. Бунинг натижасида область хўжаликларида 1673 трактор, 629 юк автомобили техник жиҳатдан носоз ҳолда турибди.

Ем-хашак йиғувчи техника ремонти суст бормоқда. Оққўрғон, Бекобод. Бўка, Ғалаба ва Янгийўл районлари хўжаликларидаги мавжуд тракторларнинг 10 процентдан кўпроғи, Оҳангарон, Бекобод, Бўка ва Калинин районлари хўжаликларидаги юк автомобилларининг 10 процентдан кўпроғи ишлатиш учун тайёр эмас. Айниқса, Оҳангарон, Бекобод, Бўстонлиқ, Бўка ва Ўрта Чирчиқ районлари хўжаликларида ем-хашак йиғувчи техникани тайёрлашда орқада қолинмоқда.

Агросаноат комплексини, қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқариш воситалари билан таъминловчи тармоқлари қўшиб ҳисоблаганда, ривожлантиришда давлат капитал маблағлари ҳисобидан 68,5 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди ёки белгиланган лимит 100,5 процент қилиб бажарилди.

Мева-сабзавот консервалари ишлаб чиқариш бўйича қувватлар фойдаланишга топширилди. сабзавот ва мевалар учун омборхоналар қурилди.

Бузоқ, чўчқа боласи, қўзи, улоқ насли кўпроқ олинди. Ҳар юз она бошдан бузоқ, қўзи ва улоқ насли олиш кўпайди.

Колхозлар, совхозлар ва хўжаликлараро корхоналарда чорва ва парранда боши қуйидагича бўлди (минг бош):

| | 1 апрелга қадар: 1987 йил | 1 апрелга қадар: 1988 йил |
|---|---|---|
| Қорамол | 190,0 | 187,4 |
| шу жумладан, сигирлар | 58,4 | 57,0 |
| Чўчқалар | 191,8 | 186,8 |
| Қўй ва эчкилар | 365.2 | 387,9 |
| Паррандалар | 6477,9 | 6596,2 |

Областнинг 11 районида қорамол сони, 9 районида сигирлар сони камайиб кетди.

Бўка, Оржоникидзе, Ўрта Чирчиқ ва Янгийўл районлари хўжаликларида қорамолнинг, Оққўрғон, Оҳангарон ва Коммунистик районлари хўжаликларида чўчқаларнинг, Оҳангарон ва Оққўрғон районлари хўжаликларида қўй ва эчкиларнинг нобуд бўлиши кўпайди.

## КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ

Давлатнинг марказлашган капитал маблағлари ҳамда корхоналар ва ташкилотларнинг фондлари маблағлари ҳисобига 254,7 миллион сўмлик асосий фондлар ишга туширилди. 246 миллион сўмлик давлатнинг марказлашган **капитал маблағлари** ёки шу давр учун белгиланган лимитнинг 90 проценти ўзлаштирилди. Корхоналар ва ташкилотлар ўзлаштирган ўз маблағлари 73,4 миллион сўмни ташкил этди. Уларнинг капитал маблағлар сарфлаш ҳажмидаги улуши 30 процентни, шу жумладан ёқилғи-энергетика комплексида 44 процентни, металлургия комплексида 18 процентни. машинасозликда 38, химия-ўрмон комплексида 81, қурилиш комплексида 24 процентни ташкил этди.

**Комплекслар** бўйича лимитдан фойдаланиш, давлатнинг марказлашган капитал маблағлари ҳамда корхоналар ҳамда ташкилотларнинг фондлари маблағларининг ўсиш суръатлари қуйидагича бўлди:

| | I квартал лимитининг фойдаланиш проценти 1988 йил I кварталида | 1987 йил I кварталига нисбатан процент ҳисобида |
|---|---|---|
| Ёқилғи-энергетика комплекси | 59 | 71 |
| Металлургия комплекси | 106 | 114 |
| Машинасозлик комплекси | 108 | 128 |
| Химия-ўрмон комплекси | 89 | 124 |
| Агросаноат комплекси | 100,5 | 100,1 |
| Қурилиш комплекси | 125 | 107 |

Давлат капитал маблағлари лимити Ўзбекистон ССР Мебель саноати министрлиги бўйича Олмалиқдаги мебель комбинатида (32 процент), СССР Газ саноати министрлиги бўйича қурилаётган газопровод дирекциясида (28 процент) ва бошқа объектларда паст даражада фойдаланилди.

Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасида кучсиз азот кислотаси, Тошкентдаги 5-йирик панелли уйсозлик заводида йиғма темир-бетон конструкциялари ва деталлари, Тошкент шаҳридаги «Промстройиндустрия» бирлашмасида ганч-прокат тўсиқлари ишлаб чиқариш бўйича қувватлар фойдаланишга топширилди.

Қурилиш-монтаж ташкилотлари томонидан бажарилган пудрат ишлари ҳажми 8 процент, қурилиш комплекси ташкилотлари бўйича 6 процент ортди. Меҳнат унумдорлиги 10,1 процент ошди. Умуман қурилиш ташкилотлари бўйича пудрат ишлари плани 102 процент қилиб бажарилди.

## ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА

Умумий фойдаланишдаги транспортнинг айрим турлари томонидан юк ташиш ва пассажир обороти қуйидагича бўлди:

| | 1988 йилнинг I кварталида бажарилди | Планнинг бажарилиш проценти | 1988 йилнинг I кварталида 1987 йил I кварталига нисбатан процент ҳисобида |
|---|---|---|---|
| Юк ташиш (жўнатиш) — миллион тонна: | | | |
| Темирйўл транспорти | 7,6 | 101,1 | 100,0 |
| Автомобиль транспорти | 15.7 | 97,5 | 98,7 |
| Пассажир обороти — миллион пассажир-километр: | | | |
| Автомобиль транспорти | 638,8 | 88,4 | 85,4 |
| Ҳаво транспорти | 1693,1 | 102,6 | 103,5 |

**Ўрта Осиё темир йўли Тошкент бўлинмаси** йил бошидан тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш шароитларида ишлаб, юк жўнатиш бўйича ўтган йилнинг биринчи кварталидагига нисбатан ошириб белгиланган топшириқнинг бажарилишини таъминлади.

Айни вақтда металл конструкциялари, қора металлар ва бошқа юк турлари планда назарда тутилганидан кам ташилди, уларни ташиш 1987 йилнинг I кварталидагига нисбатан камайди.

Тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлашга ўтказилган **ҳаво транспорти** томонидан 0,6 миллион киши ташилди.

**Автомобиль транспорти** халқ хўжалик юкларини пландагига нисбатан 0,2 миллион тонна кам ташиди.

Умумий фойдаланишдаги автобуслар ва енгил таксилар билан пассажирлар ташишдан 40,9 миллион сўмлик даромад (планга нисбатан 100.0 процент) олинди.

Ҳаракатдаги составдан қониқарсиз фойдаланилди, соз автомобилларнинг, шунингдек уларнинг ремонтда ва ремонтни кутиб туриб қолишига йўл қўйилди.

**Алоқа** корхоналари асосий фаолиятдан даромадлар олиш планини 98,5 процент қилиб бажарди, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан даромадлар 5,5 процент кўпайди.

## IV. СОЦИАЛ РИВОЖЛАНИШ ВА ХАЛҚ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИНГ ОШИШИ

**Меҳнат ҳақи тўлаш ва ижтимоий истеъмол фондлари.** Халқ хўжалигида ишчи ва хизматчиларнинг пул билан оладиган ўртача иш ҳақи ўтган йилнинг шу давридаги 171 сўмдан 176 сўмгача ёки 3 процент ортди.

Ишлаб чиқариш тармоқларида меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги шароитларига ўтиш давом этмоқда.

Давлат ва кооператив савдосининг **чакана товар обороти ҳажми** 1079,9 миллион сўмни ташкил этди ва 1987 йилнинг I кварталидагига нисбатан (амалдаги нархларда) 77,7 миллион сўмлик кўпайди. Умуман область бўйича товар обороти жами ҳажми бажарилди.

Алкоголли ичимликлар сотиш 1987 йилнинг I кварталидагига нисбатан бир мунча ошди. Бунда винони сотиш камайди. Арақ ва ликер-арақ маҳсулотлари, коньяк, шампанское ва пиво сотиш кўпайди.

Давлат ва кооператив савдосида айрим товарларни сотиш қуйидагича бўлди (таққослама нархларда, миллион сўмлик):

| | 1988 йилнинг I кварталида сотилди | 1988 йилнинг I кварталида 1987 йил I кварталига нисбатан процент ҳисобида |
|---|---|---|
| Гўшт ва гўшт маҳсулотлари | 68,4 | 134 |
| Балиқ ва балиқ маҳсулотлари | 5,5 | 120 |
| Мол ёғи | 20 | 107 |
| Ўсимлик мойи | 12.2 | 108 |
| Маргарин маҳсулоти | 3,1 | 115 |
| Қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари | 17,1 | 126 |
| Пишлоқ | 2,5 | 139 |
| Тухум | 16,7 | 157 |
| Қанд-шакар | 15,3 | 117 |
| Кондитер маҳсулотлари | 32,1 | 123 |
| Чой | 8,4 | 122 |
| Нон маҳсулотлари — минг тонна | 133,6 | 103 |
| Картошка — минг тонна | 18,2 | 67 |
| Сабзавот — минг тонна | 21,7 | 128 |
| Мева ва цитруслар — минг тонна | 2,2 | 69 |
| Алкоголсиз ичимликлар — миллион декалитр | 1.4 | 108 |
| Минерал сувлари — миллион декалитр | 0,7 | 117 |
| Мева ва сабзавот шарбатлари — шартли миллион банка | 5,4 | 117 |
| Тамаки маҳсулотлари | 14,9 | 139 |
| Кийимлар, ички кийимлар ва газламалар | 137,6 | 104 |
| Трикотаж буюмлари | 42,8 | 96 |
| Пайпоқлар | 10,2 | 111 |
| Пойабзал | 50,9 | 110 |
| Чинни-фаянс, майолика ва шиша идишлар | 10,9 | 107 |
| Совун ва синтетик кир ювиш воситалари | 4,3 | 105 |
| Мебель | 24,9 | 101 |
| Холодильниклар ва музлатгичлар — минг дона | 10.3 | 127 |
| шу жумладан, камерасининг сиғими 200 куб дециметр ва ундан кўп бўлганлари | 5,2 | 130 |
| Кир ювиш машиналари — минг дона | 16,6 | 90 |
| Электр пилесослар — минг дона | 14,1 | 125 |
| Соатлар — минг дона | 146,2 | 94 |
| Фотоаппаратлар — минг дона | 9,3 | 169 |
| Радиоприёмник қурилмалари — минг дона | 25 | 95 |
| Телевизорлар — минг дона | 22,7 | 92 |
| шу жумладан, рангли телевизорлар | 11,8 | 111 |
| Магнитофонлар — минг дона | 16,7 | 104 |
| Ёғоч-тахта материаллари — минг кубметр | 112 | 127 |
| Шифер — шартли миллион плита | 3,5 | 111 |
| Автомобиль бензини — минг тонна | 51 | 109 |

Савдога гўшт ва сут маҳсулотларининг тушиши кўпайишига қарамай, аҳолининг бу маҳсулотларга бўлган талаби қондирилаётгани йўқ.

Кондитер маҳсулотлари савдосида катта камчиликлар бор. Қатор шаҳарлар ва қишлоқ аҳоли пунктларида тор ассортиментдаги. аҳоли томонидан кам харид қилинадиган карамель, конфет, печеньелар сотилади. Кўп ҳолларда нон ва нон маҳсулотларининг ассортименти ва сифати аҳоли талабларига жавоб бермайди.

Аҳоли картошка ва мевалар билан қониқарсиз таъминланмоқда. Бунинг оқибатида шаҳарлардаги колхоз бозорларида нарх-наволар ҳамон ошиб бормоқда. Нарх-наволарнинг умумий даражаси ўтган йилнинг биринчи кварталидагига нисбатан 13 процент ошиқ бўлди, шу жумладан, картошка нархи 54 процент, мевалар нархи 25 процент, сабзавот нархи 4 процент кўтарилди.

Аҳолини кийим-бош ва пойабзал билан таъминлашдаги тиғизлик бўшашмаяпти. Магазинларда кийим-бошлар ва пойабзалларнинг турлари чекланган. Савдода мавжуд бўлган маҳсулотларнинг фасони эскирганлиги, сифати қониқарсизлиги натижасида ҳар доим ҳам аҳоли томонидан сотиб олинаётгани йўқ. Рўзғор учун зарур бўлган оддий товарлар савдосидаги иш аҳволи суст яхшиланмоқда. Уларнинг кўпчилигини ишлаб чиқариш ўзлаштирилмаган. Шунинг учун ҳам энг оддий буюмлар кўпинча узоқ районлардан келтирилмоқда.

Савдога ёғоч ва қурилиш материаллари ўтган йилнинг биринчи кварталига нисбатан 1,3 баробар кўп етказиб берилди. Бироқ, аҳолининг шу материалларга бўлган талаби ҳали ҳам тўла қондирилмаяпти.

Аҳолига кўрсатилган пулли хизматлар ҳажми 161,1 миллион сўмликни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 16,3 процент кўпайди. Пулли хизмат кўрсатиш плани 89,6 процент қилиб бажарилди. Фақатгина Оққўрғон райони план топшириғининг бажарилишини таъминлади.

Пулли хизматлар кўрсатиш соҳаси лозим даражада ривожланмаяпти. бундай хизматлар ҳажмининг 70 проценти ҳали ҳам хизмат кўрсатишнинг анъанавий турлари — маиший, уй-жой ва транспорт хизмати кўрсатишга тўғри келаяпти.

Аҳолига 43,1 миллион сўмлик ёки планнинг 95,3 проценти миқдорида маиший хизмат кўрсатилди. Маиший хизмат кўрсатиш ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 16,8 процент ошди. Олмалиқ, Нариманов шаҳарлари, Оққўрғон райони маиший хизмат кўрсатиш план топшириқлари бажарилишини таъминладилар.

**Уй-жой ва социал-маданий қурилиш.** Давлатнинг марказлаштирилган капитал маблағлари ва корхоналар фондларининг маблағлари ҳисобига умумий майдони 228,6 минг квадрат метрли уй-жойлар фойдаланишга топширилди, биринчи квартал плани 130 процент қилиб бажарилди. Бироқ, Чирчиқдаги «Химзашчита» монтаж бошқармаси, Янгийўлдаги САИМЭ, Паркент районидаги «Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, область ижроия комитетининг Бош капитал қурилиш бошқармаси Олмалиқ ва Ангрен шаҳарларида топшириқни уддаламадилар.

3464 ўринли умумий таълим мактаблари. 780 ўринли мактабгача ёшдаги болалар муассасалари фойдаланишга топширилди. 60 ўринли касалхона, ҳар сменада 40 беморни қабул қилувчи амбулатория-поликлиника муассасалари қурилди. Умумий таълим мактаблари ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,3 баробар кўп, мактабгача ёшдаги болалар муассасалари 42 процент кўп фойдаланишга топширилди.

**Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш.** Зарарли моддаларни ҳавога чиқаришни камайтириш, сув ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва тиклаш бўйича тадбирлар амалга оширилди. Назоратчи органлар томонидан корхоналар ишининг технологик режимга риоя қилиши ва улар томонидан табиатни муҳофаза қилиш тадбирларининг амалга оширилиши бўйича доимий назорат олиб борилмоқда.

Табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигини бузганликлари муносабати билан СССР Медицина ва биология саноати министрлиги, СССР Химия саноати министрлиги, Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети, Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлиги ва бошқа министрликларнинг корхоналаридаги айрим ишлаб чиқаришларнинг иши тўхтатиб қўйилди. Жумладан, Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасида газ-чангни ушлаб қолувчи асбоб-ускуналарнинг носозлиги натижасида капролактам ишлаб чиқариши, зарарли моддаларни ҳаво ҳавзасига белгиланганидан ортиқча тарқатаётганлиги учун Янгийўл биохимия заводининг цехи тўхтатиб қўйилди. Келтирилган зарарнинг ўрнини қисман қоплаш учун корхоналарга иқтисодий санкциялар солинди, кўпгина ташкилотларнинг раҳбарларидан жарима ундириб олинди.

* * *

Область меҳнаткашлари Бутуниттифоқ XIX партия конференциясини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб, бу йилги планларнинг муваффақиятли бажарилиши учун куч-ғайратларини тобора оширмоқдалар.

*СТАТИСТИКАНИНГ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ БОШҚАРМАСИ*

*СТАТИСТИКАНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ*

